

ИШЛАБ ЧИКИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳудудидаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича йуза-услубий бирлашмалар фойдаланиши Мубофиқлаштирувчи комиссияси 2017 йил «17» 08 даги 3 - сонли йўналишга алоқадор бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил «19» 03 даги 356 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.


ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
60412500 - Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият
таълим йўналишининг малака талаблари

Мазкур Малака талаблари "Олий таълим даъвои соҳанин стандарти, Асосий лоҳалар", "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори", Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мубофиқ ишлаб чиқилган ва рақамли методий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларига расмий эътибор ҳужуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигини тегизлик.

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «17» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «18» 08 даги 356 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	60412500 - <i>Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)</i> бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	60412500 - <i>Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)</i> таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	60412500 - <i>Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи	4
1.2.1.	60412500 – <i>Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2.	60412500 - <i>Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари.....	4
1.2.3.	60412500 - <i>Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг турлари.....	5
1.2.4.	60412500 - <i>Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2.	60412500 - <i>Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	6
2.1.	Умумий компетенциялар.....	6
2.2.	Касбий компетенциялар.....	6
	Библиографик маълумотлар.....	7
	Келишув варағи.....	8

1. 60412500 - Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

60412500 - Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60412500 - Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **60412500 - Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув-услубий бошқарма бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўқув режаси ва ўқув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60412500 - Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи.

1.2.1. 60412500 - Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60412500 - Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича) – бакалавриат таълим йўналиши – фан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги йўналиш бўлиб, у корхоналарда маркетинг фаолиятини ташкил этиш, бошқариш, режалаштириш, назорат қилиш, маркетинг комплекси, бозорни сегментлаш ва позициялаштириш, маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, истеъмолчилар хулқ-атворини ўрганиш, корхоналарнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш, товар, нарх, сотиш, силжитиш сиёсатини амалга ошириш, янги товарларни бозорга киритиш, корхоналарни ташқи бозорларга чиқиш усуллари, турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларда маркетинг фаолиятини ривожлантириш истиқболини белгилаш билан боғлиқ касбий соҳалар мажмуини қамраб олади.

1.2.2. 60412500 - Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари:

- давлат ва нодавлат ташкилот, корхона ва муассасалар, компаниялар (фирмалар), ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар;
- иқтисодийнинг турли соҳа ва тармоқларида ташкилот, корхона ва муассасалар

самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш жараёнлари;

- иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларида маркетинг тамойилларини татбиқ этиш, давлат ва нодавлат корхоналарида маркетинг фаолиятини ташкил этиш;

- ташкилот ва корхоналар бозор фаолиятида замонавий маркетинг тизимини ташкил этиш, маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, маркетинг бошқаруви самарадорлигини ошириш, маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш.

60412500 – *Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврият битирувчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бакалавриятнинг касб таълими йўналишлари бундан мустасно.

1.2.3. 60412500 - Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- ташкилий-бошқарув;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш;
- ахборот-таҳлилий фаолият;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- тадбиркорлик.

1.2.4. 60412500 - Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60412500 - *Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)* таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Ташкилий-бошқарув, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- товарлар ва хизматлар бозорида маркетинг фаолиятини ва миқдорлар билан ўзаро муносабатларни бошқаришни ташкил этиш;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини ривожлантиришда маркетинг тамойилларини татбиқ этиш;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида маркетинг фаолиятини ахборот билан таъминлаш, бозорнинг жозибадорлигини таҳлил этиш, бозорни сегментлаш воситасида эҳтиёжларни таҳлил этиш;
- корхоналарда маркетинг фаолиятини самарали бошқариш;
- замонавий маркетинг концепцияларини амалиётга татбиқ этиш, товар, нарх, сотиш, коммуникация бўйича стратегик қарорлар қабул қилиш;
- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, истеъмолчилар хулқ-атворини ўрганиш, маркетинг тадқиқотлари ўтказишни ташкил этиш;
- товарлар ва хизматлар бозорини ривожланиш тенденциясини ўрганиш;
- маркетинг соҳасига оид меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларни, иқтисодиётнинг ривожланиш хусусиятлари ва қонуниятларини билиш;
- ички ва ташқи бозор конъюнктурасини таҳлил этиш ва прогнозлаш;
- мақсадли сегментни танлаш, фирманинг рақобатбардошлигини таҳлил этиш ва маркетинг стратегиясини танлаш, тақсимот каналларини белгилаш;
- товарлар рақобатбардошлигини ошириш, янги товарлар ишлаб чиқариш, маркетинг инновацияларини амалиётга жорий этиш;
- бозорни қамраб олиш стратегияси, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантириш бўйича маркетинг режаси, корхонанинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш;
- корхоналарда маркетинг фаолиятини режалаштириш, маркетинг назорати ва аудитини ўтказиш, маркетинг бюджетини аниқлаш;
- товарлар ва хизматлар бозорида реклама фаолиятини ташкил этиш;

- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида рақамли маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;
- товар ва хизматлар бозорида маркетинг фаолияти самарадорлигини аниқлаш.

Ахборот-таҳлилий фаолиятида:

- замонавий ахборот технологиялардан корхоналарнинг бозор фаолиятини бошқарувда фойдаланиш, бозор жараёнлари мониторинги ва истеъмолчилар билан ўзаро муносабатларни ташкил этиш;
- корхоналар фаолиятида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, ташқи ва ички муҳити омиллари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;
- қарор қабул қилиш, фаолиятни режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тўплаш, ташкилотнинг ички маркетинг ахборот тизимини яратиш ва унинг ишлашини бошқариш;
- истеъмолчилар билан ўзаро муносабатларни бошқариш, истеъмолчиларнинг турли сегментлари бўйича маълумотлар базасини яратиш;
- рақамли маркетинг стратегиялари самарадорлигини баҳолаш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарнинг бозор фаолиятида ўзгариш тенденциялари ва динамикасини таҳлил қилиш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарнинг бозор муҳитига мослашувчан ва рақобатда устунликни таъминловчи стратегиялар ишлаб чиқиш;
- корхоналарнинг бозор фаолиятини амалга оширишда инновацион маркетинг технологияларидан фойдаланиш;
- ахборот-таҳлил фаолияти натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий тадқиқот институтлари ва илмий марказларда иқтисодийнинг долзарб йўналишлари юзасидан илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарга тегишли мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, махсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш;
- турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлардаги муаммолар бўйича маркетинг ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, мутахассислик бўйича адабиётлар экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни татбиқ этиш.

Тадбиркорлик фаолиятида:

- янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;
- бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

2. 60412500 - Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида

фойдалана билиш;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

- корхоналарда маркетинг фаолиятини ташкил этиш, маркетинг фаолиятини бошқариш, истеъмолчилар хулқ-атворини ўрганиш, маркетингни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

- ижодий фикрлаш, музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;

- корпоратив ахборот тизимларини, бозор фаолияти таҳлили ва маркетинг тадқиқотлари натижалари бўйича хулосалар тайёрлаш, маълумотлар базасини юритишни билиш;

- стратегик режалаштириш, маркетинг хизматини ташкил этиш, бошқаришнинг замонавий технологияларини, ходимлар жамоасига етакчилик қилишни билиш;

- маркетинг фаолиятини стратегик таҳлил қилиш, корхонанинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

- корхонанинг товар, нарх, сотиш ва коммуникация сиёсатини ишлаб чиқиш ва улар бўйича стратегик қарорлар қабул қилиш;

- бизнес-режалар ва шартномаларни шакллантириш ва бошқариш, ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- маркетингни ташқи ва ички муҳитини, бозор ва унга хос хатарларни, рақобат муҳитини таҳлил қилиш ва баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;

- маркетингни фаолиятини ташкил этиш, истеъмолчилар билан муносабатлар ўрнатиш, коммуникацияни самарали амалга ошириш усулларини қўллаш ўқувига эга бўлиш;

- янги бозор имкониятларини аниқлаш ва эгаллаш (мақсадли бозор ва мақсадли сегмент бўйича) ва уларда самарали фаолият юритиш учун маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01


Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва ўқув дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, кредит-модуль тизими, хизмат кўрсатиш, ижодий фикрлаш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Ректор  **Б. Шарипов**

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.



КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б.  **М.Эсанов**

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.



“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси

Раис
Ўринбосари  **Б. Муҳаммадсанов**

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.




Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё
биржаси

Бошқарув раиси  **З.Бадриддинов**

202_ йил « _____ » _____


М.Ў.



Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжа
лиги вазирлиги Агрологистика марказ
ларини барпо этиш ва инфратузилма
сини ривожлантириш бошқармаси
Бошқарма бошлиғи  **Б.Юнусов**

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.



Наманган муҳандислик -
технология институти

Ректор  **О. Маматкаримов**

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.



Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти

Ректор  **М. Пўлатов**

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.

